
Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 14 апрель, № 75 (4738) Сешанба

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ИЗЛАНУВЧАНЛИК

асосида иш юритаётган корхоналар қурилиш бозорида ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда



Мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида кейинги йилларда мавжуд корхоналар босқичма-босқич техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, модернизация қилинаётир.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш салоҳиятининг тобора ўсиши, энг асосийси, импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини бермоқда.

Пойтахтимиздаги "EuroStone" Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси қурилиш бозорида мавқеини топиб улгурган корхоналар сирасига киради. Бу ерда агломерат тошидан бадиий безак берилган кўплаб тур ва шаклдаги мармар ҳамда гранит кўринишидаги плиталар ишлаб чиқарилади.

Айни пайтда кунига 1,5 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхона маҳсулоти иншоотларнинг ташқи ва ички қисмини пардозлашда қўл келмоқда.

Сифатли маҳсулот ҳар доим харидоргир бўлади. Корхонада мана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги туфайли унинг маҳсулотлари нафақат маҳаллий стандартларга, балки халқаро андозаларга тўла жавоб бермоқда. Натижада ҳозирги кунда қатор хориж давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, бир йил ичида 386 минг АҚШ долларилик маҳсулот Россия, Беларусь, Қозоғистон сингари давлатларга экспорт қилинди.

Қолаверса, яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланилгани ўз самарасини бериб, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайишига, сифат кўрсаткичи мустаҳкамланишига хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 2008 йилда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Ушбу йўналишдаги фаолият жорий йилда ҳам давом эттирилиб, миллий ахборот тизимини шакллантириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида замонавий ахборот технологияларининг қўлланилиши ва улар асосида тадбиркорлик субъектларига интерактив хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилиши таъкидланди.

Бошқарув органлари, банк-молия тизими, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари, йирик корхоналарда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш, баҳолаш мезонлари тизимини такомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари ходимларининг компьютерда ишлаш кўникмалари даражасини ошириш чоралари тўғрисидаги маърузалар тингланди.

Замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш билан бирга ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлиги қайд этилиб, Кенгаш аъзолари томонидан 2009-2012 йилларда тайёрланиши лозим бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар дастури тасдиқланди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ва соҳа мутахассислари томонидан кўрсатма ҳамда таклифлар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди.

Дастлабки машғулотларнинг тингловчилари Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги фаол аёллар бўлди.

Мазкур академия ректори Қ. Назаров Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаол иштирокини таъминлаш, мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Фармонга кўра, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш йўналишидаги ишлар ҳажми янада кенгайди. Маҳаллаларда, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла ва оиладаги аҳиллик, соғлом маънавий муҳитнинг барқарорлигида, ёшлар тарбиясида, хотин-қизлар билан ишларни янада жонлантиришда маслаҳатчиларнинг алоҳида ўрни бор.

Айни пайтда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида аёлларнинг яшаш ва меҳнат шароитини янада яхшилаш, касаначиликни кенг жорий этиш, хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, уларга имтиёзли микрокредитлар ажратишни янада кенгайтиришга оид чора-тадбирлар ҳаётга кенг татбиқ этилаётир.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилашдек масъулиятли жараёнлар хотин-қизлар қўмиталари раҳбарларидан юксак билим ва салоҳият, дунёда ва юртимизда рўй бераётган воқеаларни теран идрок этиш, мураккаб вазиятларда тезкор, пухта ва айни пайтда тўғри қарор қабул қила олишдек фазилатлар соҳибаси бўлишни талаб этмоқда.

Фармон ва ижро

Мазкур ўқув-семинар машғулотларида жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, эришилган ютуқлар, истиқболдаги вазифалар, бу борада жамоат ташкилотлари, жумладан, жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари раҳбарларининг вазифалари атрофлича муҳокама этилди.

Бир ҳафта давом этган машғулотларда Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси атрофлича ўрганилди. Шу билан бирга, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва уни ҳаётга татбиқ этиш механизмлари, миллий ғоя тарғиботи ҳамда маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, болалар спортини ривожлантириш ва қизларни спортга кенг жалб этиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



Хоразмда жорий йил сайёҳлик мавсуми анча эрта бошланди. Бу қадимий заминга ташриф буюрувчилар оқими кўпайгани бунинг ёрқин мисолидир. Куни кеча Австриянинг ҳаво лайнери бир гуруҳ европалик сайёҳларни Хоразмга олиб келди.

Хоразмга хуш келибсиз!

Яқин икки ой давомида Австриянинг "GTA Shy ways" туристик фирмаси билан ҳамкорликда яна олтита ана шундай чартер рейслар ташкил этилиши режалаштирилган. Натижада биргина шу ҳамкорлик туфайли мингдан ортиқ европаликлар юртимиздаги тарихий обидалар, халқимиз миллий урф-одатлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили 45 мингдан ортиқ чет эллик сайёҳ Хоразмга ташриф буюрган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада ортиши кутилмоқда.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қизириқ тумани ёшлари Сариқ шаҳарчасидаги 9 гектарлик эски боғни оталиққа олиб, "Ёшлар боғи"ни барпо этишди.

«Ёшлар боғи» яшнамоқда

Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан 3 минг дона мевали ва манзаралари дарахт, минг тупдан зиёд гул кўчати ўтқазилди. Ҳозирда азму шижоатли бу ёшлар янги боғни янада обод қилиш ҳамда ўзлари ўтқазган ниҳолларни парвариш қилиш билан банд.

Тез орада боғ туман ёшларининг севимли масканларидан бирига айланса, ажаб эмас.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кейинги йилларда деҳқончиликда обиҳаётдан тежаб-тергаб фойдаланиш долзарб масалага айланмоқда. Шу боис деҳқонлар бу борада турли тажрибаларни синовдан ўтказишмоқда.

Тежамкор ихтиро

Пахтаобод туманидаги "Абдураҳмон ота" фермер хўжалиги раҳбари Абдуқаҳҳор Худойбердиев Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти олимлари билан шу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйди. Фермер ўзининг тажрибаларига таяниб, сув ўлчовчи "Иполлети-05" русумли қурилмани яратди. Ушбу янги қурилма тензиометр ёрдамида тупроқнинг намлиги қай даражада эканлигини аниқлаб беради. Мутахассисларнинг билдиришича, бундай қурилмаларнинг дала бошига ўрнатилиши сув исрофгарчилигини ўн маротабагача қисқартиради.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон — Япония:

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Япония деганда, одатда сакура дарахти гуллайдиган ва дунёга машҳур суши таоми тайёрланадиган диёр кўз олдингизга келади. Хўш, аслида Япония қандай мамлакат? У ерга борганингиздан сўнг бу ўлканинг ҳақиқатан ҳам таассурот ва ҳайратларга бой эканлигига гувоҳ бўласиз.

Хушмуомала одамлари, тезюрар поездлари, осмонўпар бинолар қаторида тор кўчали кичик уйлари, худди олам тортишиш қонунига қасдма-қасд қурилгандай — мураккаб йўлларни туташтирувчи ер ости ва устки чорраҳалари, ҳаётга ва фарзанд тарбиясига бўлган ўзгача қарашлар, бой маданияти, тарихи, жуғрофияси — буларнинг барчасини сирли ва қизиқарли кунчиқар юртнинг ўзига жалб этадиган баъзи жиҳатлари, дейиш мумкин.

Японияни ўзингиз учун кашф этар экансиз, ундаги яширин ранг-баранглиқни кўриб ҳайратга тушасиз. Японларнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатлари, табиат неъматларига зарар етказмасдан улардан унумли фойдаланишларини кўриб қойил қоласан, киши. Қизиғи, япон ва ўзбек халқларининг урф-одатлари ва менталитетида ўхшаш томонлар жуда кўп.

Япониянинг ҳозирги Ўзбекистон билан алоқалари икки минг йиллик тарихга эга. Бу давр ичида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган ва Марказий Осиёни кесиб ўтган Буюк Ипак йўли орқали савдо, маданият, умуминсоний қадриятлар ва цивилизация ўртасида алмашинувлар бўлиб турган. Айни пайтда бу йўл орқали буддавийлик дини кенг тарқалган. Орадан кўп асрлар ўтгач, археологлар Термиз шаҳрининг шимолида жойлашган Қоратепа ва Фаёзтепа ҳудудида буддавийлик ибодатхонаси харобаларига тегишли ашёлар топишган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Санъатшунослик институти ҳамда Япония Ипак йўли институти ўзаро ҳамкорликда археологик қазилма ишларини олиб бораётган Далварзинтепа шаҳри яқинида ҳам буддавийлик динига тегишли ибодатхона харобалари топилди.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, Япония билан мамлакатимиз ўртасида 1992 йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Ҳозирда икки томонлама муносабатлар самарали ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 1994 йил май ойидаги Японияга расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлиб, икки халқ маънавий қадриятларига ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган дўстона муносабатларнинг ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб қолди.

И. Каримовнинг 2002 йил июнь ойидаги Японияга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот имзоланди.

2006 йил август ойида Япония бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми мамлакатимизга расмий ташриф буюрди ва бу Ўзбекистон — Япония алоқаларининг янада ривожланишига туртки бўлди, шунингдек, икки томонлама муносабатларни чуқур таҳлил қилиш ва ҳамкорлик имкониятларини ўрганишга замин яратди.

2001 йил апрель ойидан бошлаб Ўзбекистон ва Япония ўртасида авиақатновнинг йўлга қўйилиши халқларимизнинг яқинлашишига ва ўзаро туризмни ривожлантиришга хизмат қилди.

Мамлакатларимизнинг сиёсий алоқалари ҳақида гапирганда, Японияниг Марказий Осиёдаги ташаббусини айтиб ўтиш лозим. Кунчиқар юрт ҳукумати минтақамиз билан тарихий ва маданий алоқаларини инобатга олган ҳолда, халқларимиз ўртасидаги дўстлик риштларини чуқурлаштириш мақсадида 1997 йилда Марказий Осиёда муносабатларнинг янги «Ипак йўли дипломатияси» шаклини эълон қилди. Бу эса сиёсий мулоқот ўрнатиш, иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги муносабатларнинг асосини яратди.

Япония Марказий Осиё давлатларидаги интеграция жараёнларини қўллаб-қувватлайди ҳамда сиёсий мулоқотни фаоллаштиришдан манфаатдордир. Минтақада Ўзбекистоннинг муҳим геосиёсий мавқеини англаган ҳолда ва мамлакатимиз билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида Япония ҳукумати 2004 йилда ўзаро ҳамкорликнинг бешта йўналиш — сиёсий мулоқот, минтақа ичида ўзаро ҳамкорлик, савдо ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, интеллектуал мулоқот, маданий алоқалар ва инсон ресурслари алмашинувини ўз ичига олган «Марказий Осиё — Япония» кўринишидаги форматини амалга ошириш ташаббуси билан чиқди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



Тупроқ унумдорлиги янада яхшиланади

2009 йилда республикамиздаги ихтисослаштирилган сув хўжалиги қуриш ва фойдаланиш ташкилотлари, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва фермер хўжаликларига **160** та экскаватор ва бульдозер ҳамда бошқа мелиоратив машина-механизмлар етказиб берилади.

Ана шу техникалар ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, тупроқ унумдорлигини тубдан оширишга қаратилган Давлат дастурининг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Маълумки, бутун дунёда тан олинган мустақил тараққиёт йўлимизнинг беш тамойилидан бири — айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш билан боғлиқ. Истиқлол йилларида ана шу тамойилни ҳаётга жорий этиш учун кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу борада самарали фаолият олиб борилмоқда. Зеро, аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари турмуш даражасини изчил ошириб бориш доимо устувор вазифа бўлиб келган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Илҳом НАСРИЕВ билан шу хусусда суҳбатлашдик.

Ижтимоий соҳа:

ИНСОН МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАДА

— Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг ўзига хос жиҳатлари вужудга келди. Бу парламентимиз томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топмоқда. Суҳбатимизни соҳада амалга оширилаётган ишлардан бошласак.

— Республикамизда аҳолининг кенг қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Президентимиз раҳнамолигида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш ҳақи ва даромадларини босқичма-босқич ошириб бориш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Шу билан бирга, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёни, аҳолининг ночор қатламларини, яъни баъзи сабабларга кўра, ўз фаолияти ҳисобидан муносиб турмуш даражасини таъминлаш имконияти бўлмаган фуқароларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизими мустаҳкамланди. Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида эса ҳукумат томонидан ҳар йили ижтимоий соҳа эҳтиёжлари учун зарурий миқдорда маблағ ажратилади. Хусусан, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида ўтган йилда 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-ҳунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шулар қаторида 184 та болалар спорти иншооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр тураржой бинолари ҳамда бошқа объектлар қурилди. Шу боис ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни тубдан яхшилаш, шунинг ҳисобидан қўшимча иш ўринларини яратиш масалалари қўмитамиз режасида алоҳида ўрин эгаллайди.

Бундан ташқари, ҳар бир йилга инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид махсус ном берилиши, шу мақсадда алоҳида давлат дастурларининг қабул қилиниши ҳамда уларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бу борада Давлат бюджетидан манзилли харажатларга маблағлар ажратилаётганлиги эса диққатга сазовордир.

— Ҳақиқатан ҳам, 2009 йилги Давлат бюджетида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи кенг қамраб олинган. Шу хусусда ҳам тўхталсангиз.

— Бу йилги Давлат бюджетида ислоҳотларнинг устувор тамойилларидан бири бўлган ижтимоий соҳага ҳам алоҳида эътибор берилди. Бунда асосий эътибор таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳалар бўйича давлат дастурларини бажаришга, айниқса, аҳолининг кам таъминланган табақаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бу йилги Давлат бюджетининг энг муҳим хусусиятларидан бири ижтимоий соҳа харажатлари учун ажратилган сармоянинг юқорилигидир. Хусусан, ўн йил аввал Давлат бюджетининг умумий харажатларида ижтимоий соҳага ажратилаётган харажатлар 45 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда мазкур харажатлар 56,5 фоизни ташкил этади.

Парламент ҳаёти

Бу йилги бюджет сиёсатининг яна бир эътиборли томони шуки, Пенсия жамғармаси маблағларини мақсадли, яъни фақат пенсия тўловларига ишлатишга имкон яратиш ва болаликдан ногиронларга тўланадиган нафақаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш мақсадида уларга тўланадиган нафақаларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўлаш тартиби назарда тутилган. Шу билан бир қаторда, ижтимоий адолат принципларини рўёбга чиқариш, юқори иш ҳақи олиб, пенсия жамғармаси даромадларини шакллантиришда фаол иштирок этаётган фуқароларнинг юқори пенсия олишларини рағбатлантириш ҳамда қайта ҳисоблаш ҳолатларини камайтириш мақсадида пенсия тайинлаш тартибига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

— Бу йил Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурида ижтимоий ҳимоя масалаларига эътибор янада кучайтирилди...

— Қайси йилга қандай ном берилишидан қатъи назар, бу оила ёки аёллар масаласи бўладими, қарияларни қадрлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш бўладими — барчасининг негизида инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишларига кучли эътибор мужассам. Қарийб ўн йил давомида эълон қилинган йиллар номларининг барчаси ўзининг маъно-мазмуни ва аҳамиятига кўра, мантиқан бир-бирини тўлдириб, айнан фуқаролар манфаатларини таъминламоқда. Шу ўринда, аввало, Юртбошимиз раҳбарлигида ижтимоий муҳофазага биринчи галда муҳтож бўлган аҳоли тоифалари — кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган ишларни таъкидлаш жоиз.

Ижтимоий ҳимоя масаласи фақат давлат ва ҳокимият ташкилотлари, ижтимоий таъминот ва хайрия муассасаларининг иши бўлиб қолмаслиги лозим. Бу муҳим масала жамиятимизнинг, барчамизнинг бурчимизга айланиши даркор. Айнан мана шундай ёндашув «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» бўйича ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган ва барчамиз бажаришга киришган Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Дастурда қишлоқ қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ аҳоли пунктлари қурилиши, туражой ва ижтимоий соҳа объектларини намунавий лойиҳалар бўйича барпо этиш масалалари белгиланган. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш, қишлоқ аҳоли пунктларини транспорт коммуникациялари, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, айниқса, бориш қийин бўлган ва олис қишлоқ аҳоли пунктлари телекоммуникация тармоқлари ва почта алоқаси билан қамраб олинишини ошириш зарурлиги ҳам қайд этилган. Шунингдек, инсон саломатлиги муҳофаза қилинишини яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини юксалтириш, қишлоқда умумий ва касб-ҳунар таълими тизимини янада ривожлантириш ҳамда унинг сифатини ошириш, қишлоқ мактаблари ва касб-ҳунар коллежларининг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

— Илҳом Исмоилович, қўмитада фуқаролар мурожаатларини ўрганиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Қўмитамизда фуқаролардан келган хат ва аризалар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида кўриб чиқилади. Биргина 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида жами 28 нафар фуқародан хат, ариза ва таклифлар келиб тушган. Уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларига тўғри келади. Унда фуқаролар, асосан, ижтимоий таъминот — пенсия ва нафақалар тайинлаш, ногиронлик гуруҳларини белгилашда суд қарорлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятларининг у ёки бу томонларини қайд этишган. Масалан, Самарқанд вилояти Қўшработ тумани Тоз маҳалласи Сориғўл қишлоғида яшовчи фуқаро Нормуҳаммад Эргашевнинг набирасига нафақа тайинлаш мақсадида Олий Мажлисга ёзган аризаси мутасадди идоралар томонидан жойида ўрганилиб, ижобий ҳал қилинган.

Шунингдек, сўнгги пайтларда фуқароларимиз хат ва аризалар билан бирга, қонун лойиҳалари бўйича ўзларининг таклиф ва тавсияларини билан ҳам ўртоқлашмоқдалар. Сайловчи ҳамда депутат ўртасидаги бундай ҳамкорлик юртимиз тараққиётига ҳар биримиз бирдек масъул эканлигимизни кўрсатади.

Зиёда АШУРОВА суҳбатлашди.

Ўзбекистон — Япония:

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мулоқот доирасида ташқи ишлар вазирлари ўртасида навбати билан ҳамкорликни ривожлантириш, сиёсат, бизнес, маданият ва фан соҳаларидаги алоқаларнинг кенгайишида хизмат қиладиган учрашувлар олиб борилади.

Биринчи учрашув 2004 йил август ойида бўлиб ўтди. Иштирокчи-вазирлар Мулоқотининг 2006 йилнинг июнь ойида Токио шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувида қисқа ва ўрта муддатга белгиланган, яъни, минтақада терроризм ва гиёҳванд моддалар тарқалишига қарши кураш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, савдо ва инвестицияни кенгайтириш борасида амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, мамлакатлар юқори мартабали шахсларининг йиғилишлари йўлга қўйилган бўлиб, охирги ана шундай йиғилиш 2008 йил июль ойида Тошкентда бўлиб ўтди.

«Марказий Осиё — Япония» Мулоқоти доирасида интеллектуал мулоқот йўналишига мос келадиган «Токио мулоқоти» ҳам ўтказилади. «Токио мулоқоти» «параллель йўналиш» кўринишига ўхшаш бўлиб, энг муҳими, Япония ва Марказий Осиё олимлари ва фан арбоблари салоҳиятига таянган ҳолда ўтказилади.

2006 йил март ойидаги биринчи «Токио мулоқоти» чоғида «Марказий Осиёда минтақавий интеграция истиқболлари» ва «Марказий Осиёнинг бошқа давлатлар билан алоқалари», 2007 йил январдаги иккинчи ана шундай мулоқотда «Марказий Осиё давлатларининг сув ресурслари ва электр энергияси соҳасидаги минтақавий ҳамкорлиги истиқболлари», шунингдек, «Марказий Осиёни энергетика ресурслари билан таъминлаш йўналишларини диверсификациялаш» масалалари кўриб чиқилди. Учинчи «Токио мулоқоти» атроф-муҳит масалаларига бағишланди ва унда иқлим ўзгаришининг олдини олиш масаласи муҳокама қилинди. Шунингдек, минтақа давлатларининг шу соҳа бўйича тўпланган билим ва тажрибалари алмашинуви олиб борилди.

Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида ва унинг минтақадаги мавқеини ҳисобга олиб, 2008 йил август ойида «Марказий Осиё — Япония» мулоқоти доирасида «Ўзбекистон ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим» имзоланди. Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган XVIII ялпи мажлисида «Ўзбекистон ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Савдо ва иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда ижобий анъаналар кузатилмоқда. 2008 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айланмаси 170,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, маҳсулотлар экспорт қилиниши 24,4 миллион ва импорти 146,5 миллион долларни ташкил этди.

Ҳозирга қадар Япония Ўзбекистонга 1 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида маблағ киритган. Унинг 910 миллион доллари «Ривожланишга расмий ёрдам» дастури доирасида бўлиб, имтиёзли кредит кўринишига эга, 170,2 миллион доллари бепарвоз кўмак грант-контракт кўринишида ва 66,7 миллион АҚШ доллари техник ёрдам тариқасида ажратилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик нафақат давлат, ҳукумат ёки иқтисодиёт идоралари миқёсида, балки маданият муассасалари ўртасида ҳам ривожланмоқда, бир қатор ранг-баранг маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шулар қаторида Япония парламентида уюштирилган «Ўзбек фотосуратига 125 йил» кўргазмаси, Буюк Ипак йўли мавзусига бағишланган тадбирлар мажмуи, «Фукушима — Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси ташкил этилганлигига бағишланган Ўзбекистон маданияти куни, Токио ва Тошкент шаҳарларида ўтказилаётган Япония — Ўзбекистон бизнес форумлари, «Буюк Ипак йўли: узилмас ришта», «Ўзбекистон меъморчилиги», «Япония Ўзбекистон болалари нигоҳида», «Ўзбекистон Япония болалари нигоҳида» кўргазмалари, «Японияда ўзбек киноси кунлари» кинофестивали, Кагавада Ўзбекистон миллий либослари фестивали, «Jata World Tourism Congress And Travel Fair — 2008» халқаро туристик кўргазмаси доирасида «Ўзбекистон туризм саноати тақдимоти» каби тадбирларни санаб ўтиш мумкин.

9 апрель куни Тошкентдаги Фотосуратлар уйида мамлакатнинг «Сехрли Япония» замонавий фотосуратлари кўргазмасининг очилиши ҳам ўзаро дўстона муносабатларимизни мустаҳкамлашга муносиб улушини қўшди. Жорий йилнинг кунчиқар мамлакатда Япония ва Марказий Осиё ҳамкорлиги йили, деб эълон қилиниши, шубҳасиз, халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожига хизмат қилади.

Ж. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Жаҳон» АА.
Токио-Тошкент

Анжуман

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари" китобини ўрганишга бағишланган конференция бўлиб ўтди.

МАҚСАД – ИНҚИРОЗНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, муассаса ва ташкилотларнинг мутасадди вакиллари, ёш фермер ва тадбиркорлар, ўқувчи ва талабалар иштирок этишди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда 195756 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти бўлиб, уларнинг 40 фоизи, яъни 78302 тасини, 249144 нафар фермернинг 54812 нафарини ёшлар ташкил этади. Кўриниб турибдики, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ёшларнинг ўрни беқиёс. Анжуманда сўзга чиққанлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ёшларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза этиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳар галгидан ҳам муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

Анжуманда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз ёшлари фаолияти ва ижтимоий-руҳий ҳолатига таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиши ҳақида келишиб олинди. Мазкур гуруҳ Президентимиз асаридан келиб чиққан ҳолда, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боради, давра суҳбатлари, учрашувлар, ўқув семинарлари ташкил этади.

М. БАЁНОВ.


Фермер офисда қабул қилади

Олот туманидаги "Ўзбекистон" фуқаролар йиғини ҳудудидаги фермер хўжаликлари ўз хизмат офисларини қуришга киришдилар.

"Нилуфар Жўра Муҳаммад" фермер хўжалиги раҳбари Нуриддин Маъмуров биринчилардан бўлиб шинам, барча қулайликларга эга хўжалик идорасини бунёд этди. "Ҳиммат", "Ҳамид бобо" фермер хўжаликлари ҳам замонавий хизмат биноларига эга бўлишди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ИЗЛАНУВЧАНЛИК



(Давоми. Боши 1-бетда).

Умуман, бир йил ичида бу ерда истеъмолчиларга 877 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Корхона учун хом ашёнинг асосий қисми маҳаллий тайёрловчи — Қашқадарё вилоятидаги "Karalit soz" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ҳамда "Қашқадарё мармари" корхонаси томонидан келтирилаётгани, шунингдек, цехларга Италиянинг замонавий технологиялари ўрнатилганлиги унинг барқарор ишлашини таъминламоқда.

Корхонада жорий йилда маҳсулот турини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш режалаштирилган.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланаётир. Ўтган йилда ва жорий йилнинг биринчи чорагида аҳолининг иш билан бандлигини, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Республикада "2008 йилда аҳолини иш билан таъминлаш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Дастури" асосида ўтган йили 28602 та янги иш ўрни яратилиб, бу борада белгиланган режа 102,6 фоизга бажарилди. Эътиборлиси, бунинг 80 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келди. Айниқса, аҳоли бандлигини таъминлашда республикада қўлами ривожланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жуда қўл келаётир. Айнан шу соҳаларда йигирма беш мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Республика бўйича ташкил этилган жами иш ўринлари учун 28,4 миллиард сўм маблағ сарфланди. Жумладан, 915 та янги иш ўрни учун Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси ҳисобидан 827,3 миллион сўм, тижорат маблағлари ҳисобидан 4374,4 миллион сўм кредит ажратилди. Ҳар бир яратилган иш ўрни учун ўртача 992,1 минг сўмдан маблағ сарфланди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда касаначилик орқали фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни моддий неъмат яратишга жалб этиш муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Қорақалпоғистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, 2008 йилда йирик ва кичик саноат корхоналарида уй меҳнати орқали касаначилик иш ўринларини ташкил қилиш ҳисобидан 4579 та иш ўрни яратилди. Айниқса "Юнивер", "Элтекс", "Тахиатошдон", Беруний пахта тозалаш заводи, Кўнғирот ун заводи, "Чимбойёғ" каби хиссадорлик жамиятларида касаначиларнинг меҳнат фаолиятлари учун тўлиқ шарт-шароит яратилиб, корхона раҳбарлари бу ишга маъсулият билан ёндашмоқдалар. Яъни, корхоналар томонидан зиммасига юклатилган ишларни бажариш учун касаначилар керакли асбоб-ускуналар, хом ашё билан вақтида таъминланиб келинаётир. Иш ҳақлари ҳам шартномада белгиланган буюртманинг бажарилишига қараб тўланмоқда. Масалан, Чимбой туманидаги "LANEXTRAKT" қўшма корхонасида ишлаётган 30 та касаначининг ўртача иш ҳақи 70-80 минг сўмни ташкил этади. Касаначиларнинг мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси ва жамғариб бориладиган пенсиялари корхоналарнинг бошқа ишчи-ходимлари каби умумий суғурталаниб ва жамғарилиб борилмоқда.

Ўтган йили касаначилар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 526,6 миллион сўмдан ортиқ саноат ва ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Масалан, Беруний туманидаги "Егтор" АЖ корхонасида ишловчи ҳар бир касаначи 2008 йилда 1,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган.

Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг яна бир муҳим йўналиши — шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан шуғулланадиган кишилар сонини кўпайтиришдан иборат. Қорақалпоғистонда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги 308-сонли қарорининг амалий ижросини таъминлаш бўйича уйида қорамол боқаётган фуқародан меҳнат дафтарчасини очиш ва юритиш тўғрисида аризалар тушди. Улардан бадал тўлови сифатида олинган 25244,5 минг сўм маблағ пенсия жамғармасига ўтказилди. Ушбу фуқароларнинг барчасига меҳнат дафтарчаси очилиб, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконияти яратилди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг 1403 нафарига ҳомийлар ёрдамида бепул қорамол олиб берилди. Шу билан бирга, ўтган йили 1476 та фуқарога қорамол сотиб олиш учун Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси ҳисобидан ва тижорат банклари томонидан 1782,4 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Айнан ушбу кредит ресурслари ҳисобидан чорвачилик соҳасида мингга яқин иш ўринлари яратилди.

— Нафақа ёшига етишимга яна беш йил бор, — дейди хўжайлилик Тохтарбой Ешниязов. — Ишсиз бўлганлигим учун пенсия ёшига етганимда менга нафақа тайинланмаса керак, деб ўйлардим. Президентимизга раҳмат. Мамлакатимизда яшаётган ҳеч бир фуқаро эътибордан четда қолмаяпти. Юртбошимизнинг чорвачиликни ривожлантиришга доир қарорлари туфайли мен ҳам ишли, ҳам келажагидан кўнгли тўқ бўлдим. Эндиликда менга ҳам ижтимоий таъминот бўлимида меҳнат дафтарчаси очилган. Рўзғоримизга эса қут-барака кирди. Оиламизда сут-қатиқ мўл, ортиқчасини бозорга олиб чиқаётирмиз. Асолумотлар тизими республиканинг барча шаҳар ва туманларидаги Бандликка кўмаклашувчи марказларга ўрнатилган. "Меҳнат бозори"даги ахборот тизими иш берувчилар билан фаол алоқалар ўрнатиш орқали меҳнат бозоридаги вазиятни таҳлил қилиб, иш билан таъминлашга муҳтож фуқаролар ва яратилаётган иш ўринларини мувофиқлаштиради. Шу асосда, Бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, қуролли кучлар сафидан захирага бўшатилганларни ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларни ишга жойлаштиришга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалий ижроси таъминланади. Шунингдек, ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Йил мобайнида 644 нафар ишсиз қайта ўқитилди. Жумладан, 60 нафари миллий ҳунармандчилик йўналиши бўйича касб кўникмасига ўргатилди. 570 та ишсиз фуқаро касб-ҳунар коллежларининг тайянч бўлимларида ўқитилиб, янги касб эгаси бўлди. Қайта тайёрлаш курсларини тамомлаганларнинг барчаси ишга жойлаштирилди.

2008 йилда Республикадаги Бандликка кўмаклашиш марказларига жами 44609 нафар меҳнатга лаёқатли фуқаро иш сўраб мурожаат қилган. Шундан 42553 нафари ишга жойлаштирилди. Қолган ишсизлар ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлди.

Шунингдек, республика бўйича 2008 йил учун шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорлари билан тегишли корхона ҳамда ташкилотлар ҳисобидан 2207 та иш ўрни квоталанган эди. Квоталанган иш ўринлари ижтимоий муҳофазага муҳтож, кўп болали оналар, ўқув юртини тамомлаганлар, ногиронлар, муддатли ҳарбий хизматни ва жазо муддатини ўтаб келганларга мўлжалланган. Бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан айнан шу тоифадаги фуқаролар адолатли тақсимот бўйича квоталанган иш ўринларига тўлиқ жойлаштирилди.

Маълумки, иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда кенгайтириш муҳим ўрин тутади. Лекин қишлоқ аҳлига кўрсатилаётган турли хизматлар тури аста-секинлик билан ривожланаётган бўлса-да, ҳали талаб даражасида эмас. Айнан қишлоқ жойларда соҳани ривожлантириш орқали кўзланган мақсадга эришиш ва янги иш ўринларини яратиш мумкин. Ушбу масалани ҳал этишда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги "Сервис ва хизмат кўрсатишни 2010 йилгача тезкор ривожлантиришни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросининг бажарилиши катта имкониятлар эшигини очди. Қорақалпоғистонда ҳам қишлоқ туманларида аҳолига хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этишнинг 2008 йилга мўлжалланган манзилли дастури бўйича аҳолига хизмат кўрсатувчи 136 та шохобча ишга туширилиши ва 383 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган эди. Амалда эса 265 та аҳолига хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилиб, 630 та янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда ҳам Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли бандлигини оширишга йўналтирилган дастурлар асосида қўшимча иш ўринлари яратишнинг чора-тадбирларини ишлаб чиққан. Яъни, жорий йилда чорвачилик, паррандачилик, иссиқхона хўжалигини ривожлантириш ва кичик корхоналарни ташкил этиш ҳисобига 29596 та янги иш ўрни яратилади. Бунинг натижасида эса аҳоли бандлиги, даромади ва фаровонлиги бундан-да ошиб бораверади.

Ислоҳот

Ҳар куни ОАВ орқали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли дунёнинг энг ривожланган давлатларидаги компания ва ташкилотлар минглаб ходимларини ишдан бўшатаётганлигидан хабар топамиз. Шундай бир вазиятда мамлакатимизда янги-янги иш ўринлари ташкил этилаётганлиги, аҳолининг ижтимоий муҳофазасига жиддий эътибор берилаётгани кўнгилларимизда мамлакатимизнинг келажагига бўлган ишончи янада мустаҳкамлайди. Қилинаётган бу ишлар жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини сусайтиришга ва олдини олишга қаратилган энг оқилона ишончли тадбир ҳамда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Абдураззоқ КАРИМОВ,
Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Янги йил бекор қилинди

Таиландда бир неча кундан бери оммавий тартибсизликлар давом этмоқда.



Ахборот агентликлари тарқатган хабарларга қараганда, намойишчилар амалдаги ҳукуматнинг истеъфога чиқишини ҳамда ҳозирда чет элда бўлган собиқ бош вазир Таксин Чинаватнинг ҳокимиятга қайтишини талаб қилмоқдалар. Уларнинг мамлакат ҳарбийлари билан бўлган тўқнашувларида 80 нафардан зиёд киши жароҳатланган.

Юзага келган вазият туфайли мамлакатда бўлиб ўтадиган бир қатор муҳим тадбирлар, хусусан, янги йил байрами, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН) саммити бекор қилинди.

Ишсизлар сони кўпаймоқда

"Франс-пресс" ахборот агентлиги маълумотларига кўра, Буюк Британиядаги йирик алоқа компаниялари-дан бири — "ВТ" харажатларини қисқартириш мақсадида 10 минг нафар ходимини ишдан бўшатишга қарор қилган.



Қолаверса, компания акциядорларга тўланадиган дивидентлар миқдорини ҳам 60 фоизга камайтирмоқчи.

Эслатиб ўтамиз, инқироз туфайли мазкур алоқа компанияси жорий йил март ойида 100 минг нафар ходимининг иш ҳақини музлатиб қўйганди. Навбатдаги тадбир амалга оширилгач, ишдан бўшатилганлар сони 20 минг нафарга етади.

Соҳилдаги ҳалокат

АҚШнинг Флорида штати соҳилида унчалик катта бўлмаган саёҳат кемаси ҳалокатга учради.



"Флорида Таймс-Юнион" нашри ахборотида келтирилишича, кема порт иншоотларидан бирига урилиши оқибатида чўкиб кетган. Унинг бортида бўлган 12 кишининг беш нафари воқеа жойида вафот этган, қолганлари турли даражада тан жароҳати олган.

693 йиллик қамоқ жазоси


Сьерра-Леоне махсус суди мамлакатда бир нечта қўзғолонларни келтириб чиқарган "Бирлашган инқилоб фронти" исёнкор гуруҳи етакчисини 693 йилга озодликдан маҳрум этди.

"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, гуруҳ етакчиси Иса Сисей 16 та жиноий иш бўйича айбдор эканлиги исботланган.

Айтиш жоизки, бундан аввал мазкур гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам шундай жавобгарликка тортилган эди. Жумладан, гуруҳ бошқарувчиси ва мафкурачисига 340 йиллик қамоқ жазоси тайинланган.

Парижда кимошди савдоси

Парижда ўтказилган кимошди савдосида ноёб жониворлар суяклари сотилди.



Улар орасида бундан 144 миллион йил аввал яшаган ихтиозавр скелети ҳам бор эди. Унинг суяги 181 минг еврога баҳоланган.

Узунлиги 5,4 метрга тенг яна бир қадимий жонивор — офтальмозаврни европалик коллекционерлардан бири харид қилгани айтилмоқда. Скелети узунлиги 13 метр бўлган акула суягининг баҳоси қимматлик қилди шекилли, унга харидор топилмади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ШПАТЛЁВКА
ОЛИЙ СИФАТЛИ
Қалбакисидан эҳтиёт бўлинг.
AzKO KIMYO
Тел.: +(99897) 717-78-73.
Факс: +(99871) 277-96-38.
Тошкент ш., Чилонзор к., 1-«Б» уй.
Мўлжал — «Ўзбекфильм» к/с.
Tsh 64-15207340-01:2007
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
358R/521

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури изчил амалга оширилаётгани ўз самарасини бермоқда.

ЮТУҚЛАР САЛМОҒИ ОШМОҚДА

Буни Марказий Осиёдаги энг йирик электр станцияси — "Навоий ИЭС" ОАЖ фаолияти мисолида яққол кузатиш мумкин. Бу жамоа Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларидаги истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган талабини қондириш билан бирга молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини йил сайин ошириб келмоқда. Хусусан, 2008 йилда 6950 миллион квт. соат электр энергияси ишлаб чиқариш кўзда тутилган эди. Амалда бу кўрсаткич 7699,4 млн.квт.соатни ташкил этди. Яъни режадагидан 749,4 млн.квт соат кўп электр энергияси етказиб берилди. Натижада сотилган маҳсулотдан тушган соф тушум 194 миллиард 896 миллион сўмдан зиёд бўлди.

Гап шундаки, корхонада 2005 йилдан бошлаб молиявий кўрсаткичларни мунтазам ошириш йўлида қизғин иш олиб борилмоқда. Айниқса, жорий йилда харажатларни кескин камайтириш орқали ишлаб чиқариладиган электр ва иссиқлик энергиясининг таннархини камайтириш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда ҳар бир цех ва бўлимда харажатларни камайтиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар хўжалик фаолиятига татбиқ этилаяпти.

Самарадорлик

Маълумки, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархида ёқилғи (табиий газ)нинг улуши 80-85 фоизни ташкил этади. Шу боис газдан ташқари барча харажатларни 20,5 фоизга қисқартириш ҳисобига бу йил ўн бир миллиард сўм маблағни иқтисод қилиш режалаштирилган. Бу, ўз навбатида, электр ва иссиқлик энергиясини истеъмол қилаётган бошқа корхоналарнинг харажатларини камайтириш бидан бирга уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга ўз таъсирини кўрсатади.

— Модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш борасида бир қатор ишларни амалга ошираяпмиз, — дейди корхона директори Қаҳрамон Ғаниев. — Жумладан, сўнгги тўрт йил мобайнида Чехия, Германия, Япония, Эстония, Австрия ва Россия давлатларидан инвесторлар келиб, корхонамиз фаолияти билан танишиб кетишди. Бош лойиҳачи — "Теплоэлектропроект" ОАЖ томонидан эса 2008 йил давомида "дастлабки техник иқтисодий кўрсаткич" лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ўтган йилнинг охирида 370-400 МВт қувватли ПГК қурилиши учун Кармана туманидаги Уйрот қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидан ўн гектар ерни "Навоий ИЭС" ОАЖга ажратиш юзасидан ҳам лойиҳа ҳужжатлари тўплами тайёрланди.

Буларнинг бари пировардида корхонанинг барқарор ишлашини таъминлаб, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга хизмат қилади. Жамоамиз аҳли шу ниятда астойдил меҳнат қилиб, ютуқлар салмоғини оширишга интилмоқда.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қашқадарё томонларда

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш шароитида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишнинг қандай иқтисодий омиллари мавжуд? Бу соҳанинг истиқболи ва стратегик йўналишлари нималардан иборат?

Тадқиқот мавзуи — қишлоқ тараққиёти

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва БМТ Ривожланиш Дастурининг "Ҳудудларни комплекс ривожлантириш" лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этган илмий-амалий анжуманда мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олимлари, мутахассислар бу ҳақда атрофлича баҳс юритдилар. Халқаро экспертлар маҳаллий мутахассислар иштирокида ишлаб чиққан "Қашқадарё вилоятининг ҳудудий ривожланиш стратегияси" ҳақидаги маъруза анжуман қатнашчиларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир иштирокчилари Юртбошимиз раҳнамолигида қишлоқни ривожлантириш бўйича узоқни кўзлаб амалга оширилаётган стратегик режа бугуннинг ўзида самара бераётгани, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлиги муттасил ошиб бораётганини алоҳида қайд этдилар.

Саховатда савоб бор

Нишон туманидаги "Хўжаёр ота" фермер хўжалиги раҳбари Тўра Раҳмонов саховатпешалиги билан вилоятдагина эмас, бутун мамлакатда танилган.

Унинг "Ташаббус — 2009" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг саховатли фермер" махсус совринига сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида фермер ўзи яшаб турган Файзиобод қишлоғида шахсий маблағи ҳисобидан янги шифо маскани барпо этишга аҳд қилган эди. Бугун ушбу маскан фойдаланишга топширилди. Мазкур ҚВП замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Беморларнинг даъволанишлари учун барча шароитлар яратилган.

Интилганга толе ёр

Қарши туманидаги "Холёр ҳожи" фермер хўжалиги тобора кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонасига айланиб бораяпти. Ҳар йили қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, яхшигина даромад олаётган жамоа бугунги кунда нон цехини ишга туширди. Қовчин-Бешкент йўналишида эса аҳолига транспорт хизмати кўрсатмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбари Ҳотам Жумаев айни кунларда банкдан 25 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 6 минг-та товуқ боқиладиган паррандачилик мажмуаси ташкил этишни бошлаб юборди. Шунингдек, чет эллик ҳамкорлар ёрдамида жунни қайта ишлайдиган технологик линия олиб келиш ниятида.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ» ИНСПЕКЦИЯСИ

Тадбиркорларнинг мавжуд муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» ВА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Манзил *	Ишонч телефонлари**
«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, 100000, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уй	8-371-233-02-86
Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими, 230100, Нукус шаҳри, Ерназар Олагўз кўчаси, 1-уй	8-3612-24-20-89
Андижон вилояти ҳудудий бўлими,- 170100, Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 8-уй	8-3742-24-42-13
Бухоро вилояти ҳудудий бўлими, 200113, Бухоро шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 2-уй	8-3652-25-21-80
Жиззах вилояти ҳудудий бўлими, 130100, Жиззах шаҳри, Садовая кўчаси, 60-уй	8-3722-22-37-65
Навоий вилояти ҳудудий бўлими, 210600, Кармана шаҳри, Р. Қамбаров кўчаси, 5-уй	8-4362-24-04-96
Наманган вилояти ҳудудий бўлими, 160108, Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 10-уй	8-3692-26-79-84
Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими, 140458, Самарқанд шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 7-уй	8-3662-22-56-76
Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими, 120100, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 64-уй	8-3672-25-12-60
Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими, 190100, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 10-уй	8-3762-27-25-91
Тошкент вилояти ҳудудий бўлими, 100000, Тошкент шаҳри, Моваройнаҳр берк кўчаси, 1-уй	8-371-233-36-85
Фарғона вилояти ҳудудий бўлими, 150100, Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй	8-3732-24-80-58
Хоразм вилояти ҳудудий бўлими, 220100, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 38-уй	8-3622-27-11-60
Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими, 180117, Қарши шаҳри, Туркистон кўчаси, 58-уй	8-3752-25-57-28
Тошкент шаҳри ҳудудий бўлими, 100000, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 6-уй	8-371-236-94-10

° Ушбу манзиллар бўйича ҳар ойнинг биринчи сешанба куни «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади.
∞ «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилган шахс исми-шарифининг сир сақланиши кафолатланади.

БОЗОРЛАР — ЮРТ КЎРКИ

Мамлакатимизда ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги туфайли кейинги йилларда нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки аҳоли зич жойлашган қишлоқларда ҳам кўркам ва замонавий бозорлар бунёд этилмоқда. Улар фуқароларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилаётир.

Тўкинлик

"Избоскан деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Унинг қиёфаси, айниқса, жорий йилда тубдан ўзгарди. Дуч келган жойга ўрнатилган ола-қуроқ дўконлар, бостирмаларнинг баҳридан ўтилиб, қўлбола расталар олиб ташлангач, улар ўрнини новвойхона, замонавий кўринишга эга бўлган салқин ичимликлар дўконлари, сартарошхона, қассобхона ва бошқа сервис хизмати шохобчалари эгаллади. Сут-қатиқ маҳсулотлари, асал сотиладиган янги расталар очилди. Банкдан олинган кредит ҳисобига эса 50 ўринли нон растаси мукаммал таъмирдан чиқарилди.

Бозор — халқнинг турмуш даражаси қандайлигини акс эттирувчи кўзгу. Бугун расталарда ҳўл мева кузгаги сингари тўкин-сочин, қуруқ меванинг истаган тури муҳайё. Ош кўкидан тортиб, резаворгача харид қилишингиз мумкин. Нон, гўшт, ун, гуруч сингари кундалик эҳтиёж маҳсулотларининг нархи бирмунча арзон. Уларни кўриб масъулияти чекланган жамият атрофига уюшган ишбилармонлар, тадбиркорлар, фермерлар халқимиз дастурхонига янада барака киритиш учун астойдил ҳаракат қилаётганликларига ишонасиз.

Ўтган йили жамият 57 миллион 642 минг сўм даромад кўрди. Маҳаллий бюджетга 28 миллион 880 минг сўм маблағ туширилди. Жамият 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш орқали молиявий аҳволни бундан-да мустаҳкамлашга аҳд қилган.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Росагропромснаб" МЧЖ
ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ
• УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
• 5³ в/ч дан 500³ в/ч гача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
• ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
• ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари

Маҳсулот сертификатланган.
Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

«PAYNET»дан бонуслар

«PAYNET» компанияси 2008 йил октябрь ойидан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунини амалга оширишда фаол иштирок этаётир. Жумладан, компания мутахассислари Ўзбекистон суғурта бозорида турли хизматлар кўрсатаётган «ALFA INVEST» суғурта компанияси билан ҳамкорликда мажбурий суғурта бўйича рўйхатга олиш ва тўловларни қабул қилиш ишларини амалга оширмоқда.




«ОСГО» хизматини рағбатлантириш ва уни янада ривожлантириш мақсадида «PAYNET» компанияси тизимида меҳнат қилаётган дилерлар орасида акция ташкил этилган эди. Акция иштирокчиларининг ғолиб бўлишлари учун қўйиладиган асосий талаблар, бу — суғурта полисларини тўғри ва аниқ тўлдириб, энг кўп автотранспорт воситалари эгалари суғуртасини расмийлаштириш. Мазкур акция икки босқичда — 1 январдан 28 февралгача ўтказилди. Ҳар бир босқич натижасига кўра, мазкур хизматни намунали йўлга қўйган энг яхши дилерлар аниқланди. Компания мукофот жамғармасига алоҳида маблағ ўтказди, 15 нафар энг яхши дилер эса махсус эсдалик совғалари билан тақдирланди.



Шуни таъкидлаш жоизки, «PAYNET» компанияси фаолияти давомида ўз дилерлари тизими ичида ҳамда мамлакатимиз аҳолиси ўртасида бир неча бор турли акциялар ўтказди.

Шу кунларда компания «БОНУС» номли янги акцияни ўтказмоқда. Мазкур акцияда иштирок этувчи мижозлар тўловни амалга ошираётганларида ўз ҳисобларига бонус суммасини ютиб олишлари мумкин. Акциянинг асосий шарти — 5 000 сўмдан кам бўлмаган тўловни амалга ошириш ва, албатта, чек олиш.

373R/269

Маҳсулот сертификатланган
предприятие UZBARREL PRODUCTION Совместное
ПЛАСТМАСС БОЧКАЛАРИ
Европа стандарти
Марказий Осиёда йирик ишлаб чиқарувчилардан бири

СП "EKONORDRAGMET"
Тошкент ш., Афросиёб шоҳкўчаси, 12. Сайт: www.uzbp.uz e-mail:uzpb@mail.ru
Тел./факс:(99871) 252-56-01, 252-74-14, 256-41-41

СП ООО "KAMAZ AVTOPROM"
Официальный дилер ОАО "KAMAZ"
Продажа * Запчасти * Сервис * Гарантия * Лизинг
т. 238-93-42

Услуги лицензированы под заказ
КАМАЗЫ ГРЯЗИ НЕ БОЯТСЯ!
г. Ташкент, проспект А. Темура, 107 Б, офис 6С-08,
e-mail: kamaz_uz@platinum.uz

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%
а также:
товар сертифицирован форма оплаты-любая
КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фарғона вилояти драма ва комедия театри биноси вилоятдаги маҳобатли иншоотлардан бири. Бундан 130 йил муқаддам пойдевори қўйилган бу тарихий бино бир асрдан ортиқроқ даврда жиддий таъмирдан чиқарилмади, уни сақлаш, қайтадан жило бағишлаш, меъморлар тили билан айтганда, "бинога иккинчи умр бериш" ишларига мутлақо эътибор қаратилмади. Натижада бинонинг ташқи кўриниши кўримсиз ҳолга келиб қолган эди.

ТЕАТРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Санъат

Юртбошимизнинг Фарғона ва Қўқон шаҳарларининг 2008-2012 йилларда ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ҳамда реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш юзасидан белгиланган дастурига биноан, ушбу санъат маскани ҳам тубдан таъмирланиб, яна ўзининг асл кошоналик мақомига қайта бошлади.

Таъмирлаш ишлари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги тарихий обидаларни ҳимоя қилиш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари томонидан амалга оширилаяпти. Бу муҳим юмуш айнан мазкур соҳада яхши тажрибага эга бўлган бирлашма усталари, меъморлари, пардозловчилари зиммасига топширилганлиги бежиз эмас. Мустабид тузум даврида бу ўзига хос меъморий ёдгорликни капитал таъмирлаш ўрнига олди кўриниши — кошинлар, дераза равоқларига бўёқ суртиб қўйилаверди. Натижада бинонинг ганжлари, ташқи қиёфасидаги Европа готик услубида ишланган бетакрор манзаралар бўёқлар остида қолиб кетди. Энди усталар заргарона иш тутиб, эски бўёқларни бино деворларидан секин-аста ажратиб олишмоқда. Унинг асл тарихий кўринишини сақлаб қолиш учун махсус қоришма ва суюқликлар билан ишлов берилаяпти.

Бошқарманинг яна бир гуруҳ усталари эса бинонинг ички қисмидаги бир асрлик кўринишлар, манзаралар, қиёфаларни тиклашга ҳаракат қилишмоқда. Албатта, бу осон иш эмас. Шу боисдан, театрнинг кутиш ва катта заллари, саҳна қисми вилоят ўлкашунослик ҳамда пойтахтимиздаги музейларда сақланаётган эски суратлар, тарихий афишалар ёрдамида қайтадан тикланаяпти.

Ҳеч муболағасиз, кўп ўтмай бу кўҳна томоша маскани ўзининг иккинчи ҳаётини кенг, кўркам, ёруғ бинода бошлайди.

Таъмир ишлари баҳонасида, театр жамоасининг азалий орзуси ушалди. Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмаги билан 30 миллион сўмлик энг сўнгги нусхадаги овоз ёзиш, узатиш, томошабинларга бир хил даражада товушларни етказиб берадиган аппаратлар сотиб олинди. Махсус ёритқич-нурлантириш мосламалари эса саҳнани ёритибгина қолмай, турфа кўринишдаги манзараларни ҳам яратиб бериш имкониятига эга.

Президентимиз ташаббуси билан дунёга келган, юқорида тилга олинган дастур бўйича театрни тўла таъмирлаш ишларига 775 миллион сўм маблағ ажратилган. Бу маблағнинг 575 миллион сўми маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга ошириляпти.

Бинода катта ҳажмда таъмирлаш ишлари олиб борилаётган бўлса-да, театрнинг ижодий фаолиятида умуман узилиш бўлгани йўқ. Жамоа вилоятдаги йирик саноат корхоналари билан тузилган шартномага асосан, ўз саҳнасини ишлаб чиқариш жабҳаларига кўчирди. Айниқса, Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасида ўтган театр кунлари нефтчиларга манзур бўлди. Санъаткорлар дастлаб бу ерда икки ҳафталик томошалар кўрсатишни режалаштирган эди. Нефтчиларнинг талаби билан томошалар бир ойга чўзилди. Энди театр жамоаси ўзининг вилоят туманлари бўйича сафарларини бошлайди. Яқинда Фарғона туманида ўтказилган томошалар пайтида қишлоқ меҳнаткашларига намойиш этилган "Заҳарли томчи", "Гап йўқ, кўзичоқ" асарлари жуда маъқул келди. Жамоа француз драматурги Эжен Лобишнинг "Одамови" драмасини ҳам саҳналаштириб, томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Вилоят аҳли ҳам шаҳар ҳуснига, ҳам маънавият тизимига кўрк бағишлайдиган санъат кошонаси ўз эшикларини очадиган кунларни орзиқиб кутмоқда.

Набижон СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport

«АЛПОМИШ»ДА АЛПЛАР БЕЛЛАШДИ

Миллий қадриятимиз — курашни халқчил спорт тури деб атаймиз. Эътиборли томони шундаки, уни дунё халқлари ўзининг севимли спорт тури сифатида тан олмоқда. Зотан, курашда ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассам. Ўзбек курашида тиз чўкилмайди. Рақибга нисбатан ҳурмат-эътибор кўрсатилади.

Шу йилнинг 11-12 апрель кунлари Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган IX халқаро турнирга ташриф буюрган хорижий меҳмонлар, мутахассислар кураш ҳақида шундай илиқ фикрларни билдиришди.



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан келган 100 нафардан зиёд полвон ва меҳмонлар Ал-Ҳаким ат-Термизий бобомизнинг янгитдан таъмирланган ёдгорлик мажмуаси ва бошқа тарихий қадамжоларни зиёрат қилиб, бунёдкорлик ишлари билан танишганларидан сўнг "Алпомиш" стадионига жам бўлдилар. Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Жўраев катта кураш байрамини очиқ, деб эълон қилди ва барчага омад тилади. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг "Меросий полвонсан, Алпомиш отанг, Чақноқ кўзларингда офтоб шуъласи. Рақибингни силтаб осмонга отсанг, Ойни кўриб қайтар биратўласи", деган лутфи ҳаммага ғурур бахш этди. Халқаро мусобақа байроғини кўтариш шарафи ўзбек элининг ифтихори, дзюдо бўйича XXIX Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори Абдулла Тангриевга насиб этди. Анъанага кўра, курашни оқсоқол полвонлар ва ёш спортчилар бошлаб бердилар. Уларга ҳурмат сифатида ташкилий қўмита томонидан қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топширилди. Сўнгра 60, 66, 73, 81, 90 ва мутлақ вазн тоифаларида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ва хорижий давлатлардан келган номдор полвонлар гиламга таклиф этилдилар.

Беллашувларни халқаро тоифадаги ҳакамлар баҳолаб боришди. Икки кун давомида "Алпомиш" стадионида йиғилган минг-минглаб кураш ишқибозларининг қийқириғи, олқишлари бутун Термиз бўйлаб янгради. Турнирнинг бориши тўғрисидаги телевидение ва радиодан берилаётган ахборотларни эса дунё тинглади.

Курашнинг жаҳон миқёсидаги ривожида ўзига хос ўрин тутадиган Термиз халқаро турнири бу сафар ҳам кўплаб янги-янги номларни кашф этди. Якунда ҳамюртларимиз Ришод Собиров (60 кг.), Ўктам Бобоев (73 кг.), Бобомурод Рустамов (81 кг.), Абдулла Холиёров (90 кг) ва туркиялик полвон Омар Демиржи (66 кг.) биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Мутлақ вазн тоифасида финалда Абдулла Тангриев ва бразилиялик Рафаэль Карлос да Сильва ўзаро куч синашди. Алпкелбат бу икки паҳлавоннинг куч ва маҳоратлари тенгдек эди. Шунданми, баҳс давомида стадионда гоҳ сув қуйгандек сукунат, гоҳ борлиқни ларзага келтирувчи қийқириқлар ҳукмронлик қилди.

Пировардида курашнинг ҳадисини Сурхондарёда олган, катта тажриба ва маҳоратга эга бўлган Абдулла Тангриевнинг қўли баланд келди. Бу унинг мазкур мусобақадаги бешинчи ютуғидир.

— Сурхондарёда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма кураш қоидаларини пухта билади, ҳар бир ютуғинг ва хатоингни худди ҳакамлардек кузатиб боради, — дейди Абдулла Тангриев. — Шунинг учун ҳам бу ерда гиламга чиқиб олишиш мен учун ниҳоятда масъулиятли ва шарафлидир. Ғалабага эришиш йил сайин қийинлашиб бормоқда. Чунки уни мукаммал ўрганаётган ва катта ютуқларни қўлга киритаётган спортчилар нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам кўпайиб бораётир. Бундан, юртдошларим қатори, мен ҳам қувонаман ва фахрланаман.

— Алпомишни афсона деб ўйлардим, — дейди польшалик вазни роппа-роса ўн пуд келадиган полвон Павел Малованес. — Йўқ. Алпомишларни мен ўз кўзим билан кўрдим. Ўзбекнинг Алпомиши элларни, элатларни бирлаштирмоқда. Миллатларни дўсту биродар қилмоқда. Мардлик туйғуларини камолга етказмоқда. Бу мусобақаларнинг асосий муваффақияти — шу.

— Курашга қизиққаним учун ўзбек тилини ўргандим, — дейди кореялик мутахассис Ким Эл Жунг. — Бу мусобақанинг маънавий-ахлоқий аҳамияти беқиёс. Ҳар келганимда Термизнинг янада яшариб кетганини кўраман.

Термизда бўлиб ўтган IX халқаро турнир ўзбек кураши тарихига зарҳал харфлар билан битилишига шубҳа йўқ. Унда қатнашган Африка Миллий Олимпия қўмиталари ассоциацияси президенти Ласанно Паленфо, Халқаро Олимпия қўмитаси ҳамда 2012 йил Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларини ўтказиш бўйича ХОҚ комиссияси аъзоси, енгил атлетика бўйича уч карра Олимпиада ўйинлари ғолиби Ирена Шевинска ва бошқа расмий вакиллар, Эрон, Польша, Марокаш, Ироқ, Туркия, Янги Зеландия, Бразилия каби ўнлаб давлат спортчилари ўз мамнунликларини билдиришиб, Ўзбекистонда кураш ривожи учун кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлганликларини, бундан ўзлари ҳам руҳланиб, ўз юртларида тарғибот ишларини кучайтиришларини айтишди.

Парвозинг янада баланд бўлсин, халқимиз ардоғи — ўзбек кураши!

Олимжон УСАНОВ,
Гулбаҳор ТАНГИРОВА,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ГОЛЛАРГА БОЙ ТУР

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лигасида бешинчи тур баҳслари якунланди.

Ўтказилган саккиз учрашувнинг тўрттасида мезбонлар, иккитасида эса меҳмонлар зафар қучишди. Икки ўйинда дуранг натижа қайд қилинди. Турнинг марказий ўйинларидан бири Наманганда "Навбаҳор" ва "Пахтакор" жамоалари ўртасида кечди. Таъкидлаш лозимки, шу куни стадионга 24 минг нафардан ортиқ ишқибоз ташриф буюрди. Бу ҳозирча жорий йил миллий чемпионат ўйинларини кузатишга келган ишқибозлар сони бўйича энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Учрашув кутилганидек, қизғин курашлар остида ўтди. Якунда 1:2 ҳисобида пойтахтлик футболчилар ғалаба қозонишди. Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Бунёдкор" ўз майдонида "Машъал" жамоасини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чемпионатдаги мавқеини янада мустаҳкамлаб олди.

Бешинчи турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Насаф" — "Локомотив" 1:1, "Металлург" — "Андижон" 2:2, "Сўғдиёна" — "Бухоро" 3:2, "Динамо" — "Шўртан" 2:1, "Қизилқум" — "Олмалиқ" 0:1, "Нефтчи" — "Хоразм" 2:0.

Ҳозирча турнир жадвалида "Бунёдкор" 15 очко тўплаб, якка пешқадам бўлиб турибди. Иккинчи-тўртинчи ўринларда бораётган "Насаф", "Сўғдиёна" ва "Олмалиқ" жамоалари ҳисобида 10 тадан очко бор.



Спорт • Sport • Спорт • Sport

МИЛЛИЙ ДАСТУР НИҲОЛЛАРИ

Мамлакатимиз ёшлари пухта билим ва кенг дунёқарашга эга малакали мутахассислар бўлиб камол топишлари йўлида беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Ёш авлоднинг замонавий таълим кошоналарида, жаҳон андозалари даражасидаги ўқув-услубий воситалар асосида билим олаётганлигининг ўзиёқ бу фикрни тасдиқлайди.

Таълим



Бағдод педагогика коллежида ҳам ўқувчилар учун ана шундай қулай имкониятлар яратилган. Мазкур даргоҳда минг нафардан зиёд ўғил-қиз тўрт йўналиш бўйича касбга йўналтирилмоқда. Бу ерда замонавий техник воситалар, ахборот-ресурс маркази, муҳташам спорт мажмуаси ёшларнинг пухта билим олишига хизмат қилаяпти.

— Жорий ўқув йилида 378 нафар ўқувчи коллежимиз дипломига эга бўлади, — дейди чет тили ўқитувчиси Дилноза Жабборова. — Уларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишини кўзлаб, биз, ўқитувчилар бор маҳоратимизни ишга солаяпмиз. Негаки, бугунги ўқувчи эртага ўз касбига меҳри баланд, фидойи ва малакали мутахассис бўлиб етишмоғи лозим. Бу ниятнинг амалга ошиши шу бугунги ҳаракатларимизга, таълим масканидаги маънавий-тарбиявий муҳитга боғлиқдир.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА)
олган сурат.

Шу йилнинг 15-29 апрель кунлари Нальчик (Россия) шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқичи бўлиб ўтади.

ШАХМАТЧИМИЗ ГРАН-ПРИ ТУРНИРИДА

Таъкидлаш лозимки, Гран-при беллашуви навбатдаги жаҳон чемпионатига саралаш вазифасини ҳам ўтайди. Турнир низомига биноан, олти босқичли Гран-прида энг яхши кўрсаткичга эришган шахматчи келаси йили уюштириладиган жаҳон чемпионлигига даъвогарлар турнирида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Даъвогарлар жангида ғолиб чиққан шахматчи эса 2011 йили амалдаги чемпион билан шахмат тожи учун кураш олиб боради.

Нальчикда ўтказиладиган мусобақанинг мукофот жамғармаси 162 минг еврони ташкил этади. Унда Левон Аронян (Арманистон) — 2754, Петер Леко (Венгрия) — 2751, Александр Гришчук (Россия) — 2748, Василий Иванчук (Украина) — 2746, Борис Гельфанд (Исроил) — 2733, Этьен Бакро (Франция) — 2728, Пётр Свидлер (Россия) — 2726, Сергей Карякин (Украина) — 2721, Шаҳриёр Мамадиёров (Озарбойжон) — 2725, Гата Камский (АҚШ) — 2720, Евгений Алексеев (Россия) — 2716, Владимир Акопян (Арманистон) — 2696, Рустам Қосимжонов (Ўзбекистон) — 2695, Павел Эльянов (Украина) — 2693 — сингари ФИДЕ рейтингида юқори ўринларда бораётган ўн тўрт нафар шахматчи иштирок этади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

СИРДАРЁЛИК ЁШЛАР АКЦИЯСИ

Гулистон шаҳрида "Биз — бир жамоамиз!" шиори остида ёшлар акцияси бўлиб ўтди.

Тадбир

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган ушбу анжуманда ўқувчи ва талабалар, спорт, фан, таълим ва санъат йўналишларида юқори натижаларни қўлга киритиб келаётган ёшлар иштирок этди.

Мамлакатимизда истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бунда "Келажак овози", "Янги авлод", "Таълим грантлари дастури" каби кўрик-танловлар ҳамда лойиҳалар алоҳида ўрин тутади. Йилдан-йилга мазкур танловларда иштирок этаётган ўғил-қизлар сафи кенгайиб бораётир.

Тадбирда мамлакатимизда ёшлар учун яратиб берилаётган шарт-шароит, истеъдодли йигит-қизларнинг ғоя ва ташаббуслари қўллаб-қувватланаётгани қайд этилди. "Келажак овози", "Янги авлод" кўрик-танловлари, педагогик ҳамда таълим грантлари дастурларида чекка ва олис қишлоқларни ҳам қамраб олиш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Сирдарёлик ёшлар ҳам мазкур лойиҳаларда фаол иштирок этиб келаётгани таъкидланди.

Акция доирасида Гулистон давлат университетида уч йўналиш бўйича ўқув семинари ташкил этилди. Йигит-қизлар ижтимоий-сиёсий жараёнлар, инглиз тили ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича ўз билим ва иқтидорини намойиш этди.

Тадбир доирасида Олим Хўжаев номидаги вилоят мусиқали драма театрида «Келажак овози» танлови ғолиб ва иштирокчилари, шунингдек, таниқли эстрада хонандаларининг концерт дастури намойиш этилди.

Д. ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.



ОБ-ҲАВО

(14 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Айрим жойларга кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Тунда 5-10, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 5-10, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Баъзи жойларга кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 5-10, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Туман тушади. Кечаси 6-11 даража илиқ, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Айрим жойларга туман тушади. Тунда 5-10, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 6-8, кундузи 8-10 даража илиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бухоро вилояти мусиқали драма театрининг раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шамсиддин Йўлдиевга опаси

Момогул НУРУЛЛАЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси биология-тупроқшунослик факультети деканининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, доцент Равшан Игамназаровга падари бузруквори

ПАТХИЛЛА отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика давлат-тижорат Халқ банки жамоаси банкнинг Қашқадарё вилояти филиали бошлиғи Юсуп Арзиқуловга падари бузруквори

Тўра АРЗИҚУЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллиқ почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. ФАКС 236-36-48. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 22.20

7 8